



The importance of procedural documents of the prosecutor when considering criminal cases in court

Dilzoda DOVUDOVA¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2023

Received in revised form

15 December 2023

Accepted 20 January 2024

Available online

15 February 2024

Keywords:

criminal procedural
documents,
prosecutor,
request,
conclusion,
appeal,
claim,
protest (private protest),
presentation

ABSTRACT

The article provides a comparative legal analysis of the importance of prosecutorial procedural documents when considering criminal cases, examines their types and features, as well as proposals, contradictions and opinions on eliminating gaps in the procedural order of this stage.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss1/S-pp165-179>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Суд муҳокамасида жиноят ишларини кўрилишида прокурор процессуал ҳужжатларининг аҳамияти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят-процессуал
ҳужжатлар,
прокурор,
сўров,
хулоса,
апелляция,
даъво,
протест (хусусий протест),
тақдимнома

Мақолада жиноят ишларини кўриб чиқишда прокурор процессуал ҳужжатларининг аҳамияти қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилинади, уларнинг турлари ва хусусиятлари ўрганилади, шунингдек, ушбу босқичнинг процессуал тартибидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар, қарама-қаршиликлар ва фикрлар ўрганилади.

¹ Associate Professor, PhD, Department of Ensuring the Powers of the Prosecutor's Office and Enforcement in Courts, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

Значение процессуальных документов прокурора при рассмотрении уголовных дел в судебном порядке

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

уголовно-процессуальные документы, прокурор, запрос, заключение, апелляционная жалоба, иск, протест (частный протест), представление.

В статье проведен сравнительно-правовой анализ значения прокурорских процессуальных документов при рассмотрении уголовных дел, рассмотрены их виды и особенности, а также предложения, противоречия и мнения по устранению пробелов в процессуальном порядке данной стадии.

Жиноят ишларини юритишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти, унга тегишли жиноят процесси субъектларининг ҳуқуқий муносабатлари жиноят-процессуал ҳужжатларда ўз аксини топади ва мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринда ЖПК) “процессуал ҳужжат” атамасидан фойдаланилса-да, бироқ ушбу тушунча таъриф берилмаган ҳамда доираси белгиланмаган.

Жиноят-процессуал ҳужжат – ёзма далолатнома бўлиб, барча процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари ва жиноят процесси давлат органларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг қарорлари қайд этиладиган ҳужжатдир.

ЖПКда процессуал ҳужжатларга суриштирув, тергов ҳаракатлари баённомалари, қарорлар, айблов ҳулосаси ёки далолатномаси, суд мажлиси баённомалари, илтимосномалар, протест, шикоят, музокара нутқлари, суд қарорлари ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

А.А. Терёхин судларда жиноят ишлари кўрилишида иштирок этувчи прокурор, бир тарафдан одил судлов олдида турган вазифаларни амалга оширишда ёрдам берса, иккинчи тарафда – Конституция, қонун ҳужжатлари билан кўриқланадиган шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда иштирок этади. Қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда прокурор уларга нисбатан процессуал ҳужжатлар шаклида ўзининг муносабатини билдиради.

Дарҳақиқат процессуал ҳужжат жиноят процессининг ҳар бир босқичининг муҳим элементи бўлиб, у ушбу босқичлардаги барча ҳаракатлар натижасини ўзида муҳассамлаштиради.

Фикримизча, амалдаги процессуал қонунчиликка асосан прокурор суд муҳокамасида қуйидаги процессуал ҳужжатларни қўллаш орқали ўз ваколатларини амалга оширади: 1) *илтимоснома келтириш*; 2) *фикр билдириш*; 3) *эътирознома билдириш*; 4) *даъво ариза келтириш*; 5) *протест (хусусий протест) келтириш*; 6) *тақдимнома киритиш*.

Процессуал ҳужжатлар прокурор ҳаракатларини ифодалайди ва фикримизча, унинг ўзига *хос хусусияти* қуйидагиларда: процессуал қонунчиликда белгиланганлиги; ҳар бирининг процессуал талаблари мавжудлиги; белгиланган тартибда суд босқичларида берилиши; процессуал муддатларга эга эканлиги; расмий аҳамият касб этишида намоён бўлади.

Бироқ, суд муҳокамасида илтимоснома келтириш, фикр, эътироз билдириш ваколатини давлат айбловчисига (судда иштирок этаётган туман (шаҳар) прокурори ёрдамчисига) тегишли бўлиб, протест келтириш, даъво ариза ва тақдимнома киритиш мутлақ туман прокурори ёки унинг ўринбосарининг ваколатига тааллуқлидир.

Ж.Хилгертнинг фикрича, илтимоснома келгусида ижобий ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган ва шунинг учун истиқболли хусусиятга эга ва илтимоснома жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини олдиндан таъминлашга имкон беради, ушбу юридик институтда илтимосномаларнинг роли ошиши кераклиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

Қозоғистон Республикаси ЖПКда *илтимоснома* – процессуал ҳаракатни амалга ошириш ёки процессуал қарор қабул қилиш тўғрисида тарафнинг ёки аризачининг жиноят процессини юритувчи органга йўлланган илтимоси, кассация инстанциясида эса – қонуний кучга кирган суд актини кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги мурожаатидир.

Беларусь ЖПКнинг 6-моддасида эса, илтимоснома деганда, жиноят процессини олиб боровчига мурожаати ёки илтимоси тушунилади.

Шу билан бирга, тадқиқот олиб борган олимлар ҳам илтимосномага таъриф келтирган бўлиб, жумладан, Ю.И. Стецовскийнинг ёзишича, илтимоснома – бу ҳар қандай процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, қарор қабул қилиш тўғрисидаги расмий илтимос. А.В. Гриненконинг фикрига кўра, илтимоснома “ҳаракат ёки қарорни амалга ошириш ёки буни амалга оширишни рад этиш тўғрисида, тегишли ваколатларга эга бўлган органга, мансабдор шахсга ўз процессуал ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун эълон қилинган илтимосдир” деб тушунилиши керак.

Айрим муаллифлар қуйидаги таърифларни берадилар: Илтимоснома – бу жараён иштирокчисининг ваколатли мансабдор шахс ёки орган номига ҳар қандай процессуал ҳаракатни амалга ошириш ёки уни амалга оширишдан бош тортиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ оғзаки ёки ёзма шаклда берилган асосли илтимоси.

Кўринадик, илтимоснома муайян процессуал жараённи амалга оширишга, ҳаракатни белгилашга қаратилган ёзма ёки оғзаки мурожаатдир.

Прокурор процесснинг исталган пайтида илтимоснома билдириш мумкинлиги белгиланган (ЖПК 27-м). Шу асосида жиноят процесснинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бўлган нормаларда “илтимоснома бериш ва рад этиш” (масалан: ЖПКнинг 43-модда “жамоат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, 44-модда “жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” 53-модда “ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” ва ҳок.) ҳуқуқи белгиланган. Суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорга эса тегишли махсус нормада бу каби ваколат қайд этилмаган.

Прокурор суд процессида янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида асослантирилган ёзма ёки оғзаки илтимосномалар киритиши мумкин.

Шунингдек, прокурор тарафлар томонидан далилларни текшириш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан киритилган илтимосномалари хусусида асослантирилган фикр билдириши талаб қилинади.

Асоссиз илтимосномаларга нисбатан прокурор ўзининг қатъий ва асослангандирган эътирозини билдириши керак.

Қайд этилганидек, умумий қоидалар прокурорга суд муҳокамаси бошланган вақтдан бошлаб унинг исталган босқичида суд маслаҳатхонага киргунга қадар илтимоснома келтиришга ҳақли эканлигини белгилайди.

Б.Х. Пўлатовнинг фикрича, илтимос қилиш давлат айбловчисининг суд мажлисида иштирок этиш шаклларида биридир. Дарҳақиқат, суд жараёнида иштирок этаётган прокурор юқорида қайд этилган айрим ваколатларини илтимосномалар келтириш орқали амалга оширади.

Шунга кўра, фикримизча, ЖПКнинг суд муҳокамасида прокурор иштироки ҳақидаги нормага *“илтимосномалар келтириш”* ваколатини белгилаш лозим.

Шу билан бирга, фикримизча, *суд муҳокамасидаги прокурор илтимосномаси* – жиноят процессида суд ҳаракатларини амалга ошириш учун фикрини баён этишга, муайян жараён, ҳолат юзасидан процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига рўёбга чиқаришга қаратилган ёзма ёхуд оғзаки мурожаатидир.

Прокурорнинг фикри бу кенг тушунча бўлиб, суд муҳокамасида иштирокининг энг муҳим кўриниши ҳисобланади. Суднинг жиноят ишини тайёрлов, тергов ва музокара қисмида прокурор фикр билдириш ваколатига эга.

Прокурорнинг фикрини суд ва бошқа процесс иштирокчилари билдирган илтимосномаси ёки эътирози юзасидан, иш ёки суд музокараси натижаси бўйича фикр билдириш каби бир неча кўринишларга ажратиш мумкин.

Суд муҳокамасида жиноят ишини натижаси бўйича прокурорнинг фикри билан унинг музокара нутқидан фарқланади. Жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашув, амнистия актини қўллаш, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувга оид алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича прокурор фикр беради. Умумий тартибда иш кўриш натижаси бўйича, шунингдек вояга етмаганларга оид алоҳида тоифадаги жиноят иши бўйича прокурор музокара нутқини баён қилади.

Фикримизча, прокурорнинг музокара нутқи *айблов, айбловни ўзгартириш ва айбловдан воз кечиш* турларига бўлинади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашувни ёки амнистия актини қўллаш, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув билан боғлиқ прокурор фикри умумий тартибда иш кўришдаги прокурорнинг музокара нутқидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, қайд этилган тоифадаги ишлар бўйича шахснинг айбдорлик масаласи муҳокама қилинмаганлиги боис прокурор фикрида ушбу масалага тўхталмайди, музокара нутқида эса шахснинг айбдор ёки айбдор эмаслигини исботлаш энг муҳим элементлардан бири ҳисобланади;

иккинчидан, прокурор фикрида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини, ярашув ёки амнистия акти, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни қўллашнинг асослилиги ва зарурлиги баён қилинади, музокара нутқида эса шахсга нисбатан жазо тури, меъёри ҳамда ЖПК, соҳавий буйруқда келтирилган талаблар баён қилиниши шарт;

учинчидан, амалдаги процессуал қонунчиликда прокурор фикрининг ёзма тақдим этилиши юзасидан талаб мавжуд эмас, бироқ музокара нутқининг ёзма тақдим этилиши юзасидан қатъий норма белгиланган.

Б.Х. Пўлатовнинг фикрича, прокурорнинг нутқи катта ижтимоий ва процессуал аҳамиятга эга. Прокурор нутқи судьяларда ички ишонч уйғонишига ва қонуний, асосли ҳукм чиқарилишига кўмаклашади.

Дарҳақиқат, прокурор музокара нутқи процессуал аҳамиятга эга. Унда прокурорнинг иш бўйича яқуний позицияси баён қилиниб, иш бўйича суд томонидан ҳақиқатнинг рўёбга чиқарилишига, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилинишига эришиш борасида муҳим таклифлар билдирилади, судьянинг ички ишончи шаклланишига кўмаклашилади.

Ўз мазмунига кўра, прокурор нутқи тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Белгиланган мақсадларни рўёбга чиқариш учун прокурор тарафлар музокарасидаги ўз маърузасида энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳолатларни баён қилади.

Прокурор айблов нутқида судланувчининг айбдорлигини, айбловдан воз кечиш нутқида судланувчининг айби далиллар билан исботланмаганлигини ҳамда айбловни ўзгартириш нутқида эса судланувчининг айбини ўзгартириш ёки енгиллаштиришни асослантириб бериши шарт. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси “Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғида (кейинги ўринда соҳавий буйруқ) прокурорнинг айблов фикрига қўйилган талаблар белгиланган.

Прокурорнинг музокара нутқининг муҳимлигини инобатга олиб ҳуқуқшунос олимлар уни илмий тадқиқотлар предметиға айлантириб улгуришган.

Аксарият олимлар прокурорнинг нутқи асосли ва ишончли бўлишиға эътибор қаратади. В. Исаенко фикрича, нутқни баён қилиш тартиби орқали нутқ асосли бўлиши ва ички ишончни ҳосил қилишиға боғлайди. Унинг фикрича, аксарият давлат айбловчилари суд музокараларида судланувчининг айбини исботловчи далилларни уларни суд тергови жараёнида қай тартибда тақдим этишган бўлса, худди шу тартибда санаб ўтишни ҳам тактик, ҳам психологик жиҳатдан мақсадға мувофиқ деб ҳисоблайди. Сабаби, суд музокараларида далиллар бундай тартибда баён этилганда судьялар хаёлан суд тергови жараёниға қайтишини, шу билан бирга, суд музокараларида давлат айбловчиси томонидан далилларнинг мазмуни ва аҳамиятини, далиллар ўртасидаги боғлиқликларни тушунтириб ўтиш судьяларда давлат айбловининг асосли эканлиғиға ички ишонч ҳосил бўлишиға олиб келади.

Н. Иванкинанинг фикрича, давлат айбловчиси ўз нутқининг мақсад ва вазифаларини аниқ-равшан тасаввур қилмоғи керак, нутқининг самарадорлиғи ва таъсирчанлиғи биринчи навбатда унинг қанчалик асослилиғи ва ишонарлилиғиға боғлиқдир.

И.Н. Кожевников эса, прокурор нутқида фактларнинг чуқур ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик таҳлили келтирилиши керак. Нутқнинг зарур сифати унинг ишончли баён этилиши билан белгиланади – деган фикрни илгари сурган.

Фикримизча, В. Исаенко ва Н. Иванкинанинг нуқтаи назарлари бир-бириға яқин бўлиб, асосли нутқ ишонарли нутқни ўз ичига қамраб олади. И. Кожевниковнинг фикри мунозарали ва тўлиқ ёритилмаган бўлиб, асослантирилмаган нутқ ҳам ишончли баён этилиши мумкин.

Юқорида олимлар томонидан билдирилган фикрларда прокурор фикрининг бошқа жиҳатларига эътибор қаратилмаган.

Б.Х. Пўлатовнинг таъкидлашича, прокурорнинг жиноят иши бўйича суд процесси мобайнида берадиган фикри ҳар қандай ҳолатда қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) объектив ва исботланган; 2) ҳар томонлама ва тўла; 3) юридик асослантирилган; 4) аниқ белгиланган бўлиши керак.

В. Лазарева ҳам шунга яқин фикрларни билдириб, давлат айбловчисининг айблов нутқи хусусида фикр юритиб, айблов нутқи асосли, объектив, мазмунли ва аниқ, ахлоқий бўлиши лозимлигини таъкидлаган. В. Лазареванинг билдирган фикри нафақат айблов нутқида мужассам бўлиши, балки прокурорнинг суд музокарасидаги барча нутқлари асосли, объектив, мазмунли ва аниқ, ахлоқий талабларга монанд бўлиши лозим.

Шунингдек, прокурорнинг музокара нутқи суд процессининг муайян босқичида амалга ошириладиган, айбдор шахснинг айбли ёки айбсизлигини тасвирлаб берувчи жараён ҳисобланади.

Миллий қонунчиликда ва назарий адабиётларда прокурорнинг фикри кам ўрганилган. Муайян таърифлар мавжуд эмас.

Фикримизча, *суд муҳокамасида прокурорнинг фикри* – иш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган, муайян ҳаракатни амалга оширилишини ёки рад этилишини ифодаловчи, суд мажлисида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган ички ишончга таянадиган баёнидир.

Прокурорнинг музокара нутқи – прокурорнинг суд музокара босқичидаги судланувчини жиноят содир этишда айбдорлигини исботлаш ёки рад этишга қаратилган, асослантирилган, Қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини қараб чиқишга асосланган ички ишончга таянган нутқидир.

Прокурор томонидан тузиладиган процессуал ҳужжат, яъни прокурорнинг фикрида қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак: – процессуал ҳужжатнинг номи, шакли ва мазмуни мазкур ҳужжатни тузиш назарда тутилган қонун нормаларига тўғри келиши шарт; – процессуал ҳужжатнинг номи ўзида акс эттирилиши лозим (масалан, айблов нутқи ёки айбловни ўзгартириш, айбловдан воз кечиш нутқи); – процессуал ҳужжатнинг мазмуни жиноят ва жиноят – процессуал қонунлар, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талаблари билан асослантирилган бўлиши зарур; – процессуал ҳужжат имло қоидаларига мос ва сўз боғланиш қоидаларига риоя қилинган ҳолда тузилиши шарт, сўзларнинг тушунарсиз тарзда қисқартирилиб ёзилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, соҳавий буйруқда прокурор фикрининг асослилиги жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида қайд этилган.

Жиноят ишлари бўйича биринчи, апелляция, кассация ва қайта кассация судининг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз қарорларига прокурор томонидан протест келтиради. Б.Х. Пўлатов прокурор протести судларда жиноят ишлари кўрилишида иштирок этувчи давлат органи вакилининг муҳим процессуал ҳужжати бўлиб ҳисобланишини таъкидлайди. Дарҳақиқат прокурор протести унинг суд жараёнидаги позициясини белгилаб берувчи энг муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Бир хил ҳуқуқий таъсир чорасига эга бўлган процессуал ҳужжат айрим давлатларда турлича ном билан қўлланилади, жумладан бизнинг амалдаги қонунчиликда “протест”, Россияда эса (РФ суд қарорларига прокурор томонидан тақдимнома келтирилади) “тақдимнома” деб юритилади.

Россиялик процессуалист олимларнинг фикрича, суднинг қарорларига киритиладиган “тақдимнома” сўзини “протест” сўзига ўзгартириш лозимлигини, чунки, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун (кейинги ўринда ПтҚ) прокурор таъсир чораси сифатида тақдимнома – аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича (24-модда), суд қарорларини бекор қилишда эса, қонун “протест” атамасини ишлатганлиги, қонунда белгиланган “протест” атамаси ўрнига ЖПКда “прокурор тақдимномаси” терминидан фойдаланилиши, бу эса, атамаларни ноаниқлигига олиб келиши илгари суради.

Шунингдек, Қонунда “тақдимнома” атамаси белгиланиши ўз мазмуни бўйича иккита йўналишда, яъни бу ноқонуний суд қарорига нисбатан шикоят бериш (ЖПК 5-модда 27-б) ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш (ПтҚ 24-модда) бўйича прокурор таъсир чораси сифатида қўлланилишига олиб келмоқда. Мазкур атама икки хил йўналиш ишлатилиши қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ эмаслигини кўрсатади, у бир хил қўлланилиши лозим бўлади. “Прокурор протести” деган атама суднинг мустақиллигига таъсир этишига шунингдек, жиноят суд процесси иштирокчиларига нисбатан прокурорда юқори ваколатга эга бўлишига олиб келмайди. Прокурор – мансабдор шахс, у давлат номидан қонун манфаатида ва адолат тарафида ҳаракат қилади.

У.А. Тухташева фикр билдириб, прокурорнинг протести қадимий прокурор таъсир чораси сифатида тан олишини, суд қарорига нисбатан шикоят келтириш орқали ўзининг хусусий манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа субъектлардан (маҳкум, жабрланувчи ва бошқалар) фарқли равишда прокурор протест келтириш орқали нафақат ўзининг ҳуқуқларини, балки мажбуриятини ҳам амалга оширади. Ушбу фикрларни ўз тадқиқот ишида М.З. Раджапова ҳам тасдиқлайди.

Ушбу фикрга қарама-қарши Ш. Абдуқодиров қонунлардаги тарафларнинг тенглиги ва суд ишларини юритишдаги тортишув принципини таъминлаш мақсадида, прокурорларнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини тақдимнома киритиш, деб белгилашни таклиф этган. Ўз фикрини қуйидагича асослаган, чунки “протест” термини юридик луғатларда бирон нарсага қатъий норозиликни билдирувчи расмий эътироз, амрнома, хоҳишига зид нарсани билдириш, деб тушунилади ва қонун мазмуни бўйича кўриб чиқилиш шарт бўлган ҳужжат ҳисобланади.

“Тақдимнома” термини эса бирон-бир маълумотни илтимоснома тарзидаги ифодаладиган расмий ҳужжат бўлиб, қонунда қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги қабул қилинадиган ҳужжатни ифодалайди”, дея ўз нуқтаи назарини тушунтиради таклиф муаллифи.

Худди шу каби О.М. Мадалиев эса прокурорнинг таъсир чораси ҳужжатлари сифатида протестини талабнома аризаси билан алмаштириш лозимлигини таъкидлаган.

Фикримизча, Ш. Абдуқодировнинг фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки қонунчиликдаги прокурор таъсир чораси бўлган “тақдимнома” буткул бошқа мазмундаги процессуал ҳужжат бўлиб, уни “протест” билан ўзгартириш бирон бир ҳолатни моҳиятан ўзгаришига олиб келмайди. Худди шу каби О.М. Мадалиевнинг ҳам талабнома аризасига ўзгартириш ҳақида фикрини изоҳлаш мумкин.

Протестни луғавий маъноси “protest” лотин тилидан олинган бўлиб, “ошкора исботлайман” маъносини билдиради ва прокурорнинг норозилик хужжати ҳисобланади.

Прокурорнинг ҳукмга протест билдириш ҳуқуқи чекланмаган.

М.В. Бызова таъкидлайдики, “процессуал тақдимнома (протест) – бу қонун талабларига мос бўлмаган суд қарорига нисбатан прокурор таъсир чораси, ноқонуний қабул қилинган суд қарорига нисбатан юридик баҳо бериш учун уни ўзгартириш ёки бекор қилиш юзасидан апелляция, кассация ёки назорат инстанциясига прокуратура органлари ваколатли мансабдор шахсининг талабидир. Тақдимнома (протест) қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак: – ноқонуний суднинг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар; – тегишли суд инстанциясига ва жиной суд ишларини юритиш турига қараб, тақдимнома (протест) асослантирилган таклифлари; – процессуал тақдимномани келтиришнинг чекланган доираси; – тақдимномани қайтариб олиш ёки ўзгартириш имкони”.

Н.В. Чекмачёва “тақдимномани” (протест) қуйидаги тушунчасини таклиф этади. Тақдимнома (протест) – бу давлат айбловчисининг, юқори турувчи прокурорнинг процессуал қарори бўлиб, унинг заминиди биринчи, апелляция суд инстанциясининг қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажримига ҳуқуқи баҳо бериш ва кассация тартибиди суд қарорларини ўзгартириш ҳисобланиб, унинг мақсади жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ, эркинлиги ва давлат ҳамда жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

М.В. Бызова ўз фикрида протестни прокурорнинг талабига боғласа, Н.В. Чекмачёва эса қарор деб ҳисоблайди, ҳар икки ҳолатда ҳам протест суд ҳукми ёки ажрими ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз бўлганлиги ҳақида фикрга келинса, кейин келтирилади. Н.В. Чекмачёванинг протестни мақсади жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ, эркинлиги ва давлат ҳамда жамиятнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланиши ҳақида фикрини тўлиқ қувватлаймиз.

М.З. Раджапова ўз тадқиқот ишида прокурор протестига қуйидагича таъриф берган, *прокурор протести*- қонунда белгиланган тартибда ва асосларда юқори инстанция судлари томонидан қуйи суд ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш талаби асослантирилган процессуал ҳужжатдир.

Фикримизча, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қонунчиликда прокурорнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд қарорларига нисбатан келтирадиган процессуал хужжатини “протест” деб юритилиши суднинг мустақиллигига ёки жиноят суд процессида тарафлар тенг ҳуқуқлилиқ қоидаларига таъсир этишига олиб келмайди. Шу сабабли, прокурорнинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз суд ҳукми, ажримига “протест” келтириши ЖПК талабларига монанд тарзда қўлланилган деган хулосани илгари сурамиз.

Шу билан бирга, амалдаги ЖПКда прокурорнинг “хусусий протест” ҳам мавжуд бўлиб, фикримизча, протестдан хусусий протестнинг қуйидагича фарқли жиҳатларини кўрсатиш мумкин: прокурор протести суднинг ҳукми ва юқори инстанция судининг ажримига нисбатан келтирилса, хусусий протести эса, биринчи инстанция судининг ажримларига (жумладан, дастлабки эшитув, биринчи инстанция судининг ажрими, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб

қўйиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, ярашув ҳақидаги илтимосномалар, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашни рад этиш ажримлари, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ва бошқа ажримлари) келтирилади.

Шу билан бирга, “протест” ва “хусусий протест”нинг ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, ЖПКда прокурор протестида акс этиши шарт бўлган талаблар хусусий протестга ҳам тааллуқли ҳисобланади. Жумладан, ЖПКнинг 480-модда протестлари мазмунига талаблар баён қилинган бўлиб, акс эттирилган талаблар бажарилиши шарт. Бундан ташқари, хусусий протест ҳам протест сингари суднинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ажримларига нисбатан келтирилади ҳамда мазмун бир хил процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, *прокурор протести* деганда, прокурор томонидан суднинг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳукми ёки ажримига нисбатан қонунда белгиланган ваколати ва асослари доирасида суд инстанцияларига келтириладиган, мазмунан суд қарорини ўзгартириш ва бекор қилиш асосларига, таклифларига эга бўлган ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва жамият ҳамда давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Статистик таҳлилларга кўра, аксарият прокурорнинг протестлари қонун талабларига асосан киритилганлигини кўрсатади. Бу эса қаноатлантирилган протестлар яққол мисол бўла олади. Апелляция суд инстанциялари томонидан 2020 йилда 49,8%, 2021 йилда 67%, 2022 йилда 81,1% протестлар қаноатлантирилган, кассация суд инстанциялари томонидан эса, 2020 йилда 78,9%, 2021 йилда 75,3% қаноатлантирилган*.

Бироқ амалиёт материалларининг таҳлили, прокурорлар томонидан протестларни тайёрлашда айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда ва улар қуйидагиларда:

- суднинг ҳукми ёки ажримида ЖПКнинг 485-моддасида белгиланган суд қарорини бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг бир нечта ёхуд барча талаблари бузилган бўлса-да, бироқ, протестда ҳолат бўйича қайд этилган талабнинг фақат биттаси бузилганлиги кўрсатилишида;

- прокурор протестида суд томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатининг ЖПКда назарда тутилган суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асосларининг айнан тегишли моддаси кўрсатилмай, умумий тарзда баён этилишида;

- протестда суд томонидан жиноят-процессуал қонун нормаларини жиддий бузилиши суд қарорининг қонунийлиги ва асослилигига қандай таъсир этиши ёки этмаслиги кўрсатилмаслигида (ЖПК 488-модда);

- протестда суд томонидан йўл қўйилган барча қонунбузилиш ҳолатлари тўлиқ ёритилмаслигида;

- протест етарлича ҳуқуқий асослар келтирилмаган ҳолда киритилишида;

- суд қарори бўйича аниқ таклифлар билдирилмай, яъни, суд инстанцияларида суд томонидан йўл қўйилган қонунбузилишни бартараф этиш бўйича прокурорни таклифи тўғри йўналтирилмаслигида;

* Бош прокуратура томонидан тақдим этилган протест келтириш амалиёти статистик маълумотлар 2019–2022 йиллар.

– прокурор музокара нутқида баён этган фикри билан у томонидан келтирган протестнинг мазмунида айрим ҳолатларда бир-бирига қарама-қарши (музокара нутқида оғирроқ жазо сўраган бўлса, протестда енгил жазо тайинлаш лозимлигини кўрсатади ва ҳ.к.) мавжуд бўлишида намоён бўлди*.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорлар аксарияти ёш бўлиб, тажриба ва билимини етарли эмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллай олмаслик, суд инстанцияларида суд муҳокамасига тайёргарлик кўришда жиноят ишларини лоқайдлик билан ўрганиш, суд ҳукми ёки ажрими, мажлис баённомаси билан юзаки танишиш оқибатида келиб чиқадиган салбий субъектив фактлар деган хулосага келсак муболаға бўлмайди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, суднинг ҳукми, ажрими нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ёки “назорат” протести ишни судда кўриш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор томонидан, шунингдек юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олиниши мумкин. Мазкур нормада қайд этилган “назорат” сўзини қонунчиликка киритилган ўзгартириш сабабли алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, қайд этилган қонунда протест ишни судда кўриш бошлангунга қадар протест келтирган прокурор томонидан, шунингдек юқори турувчи прокурор томонидан чақириб олиниши мумкинлиги белгиланган. Бироқ, ЖПКнинг 497¹⁰ ва 504¹¹-моддасига асосан, протестни қайтариб олишга суд (апелляция ёки кассация) инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар йўл қўйилиши белгиланган.

Кўринадик, қонунларда прокурорнинг протестни қайтариб олиш муддати масаласида ҳар хил ёндашув мавжуд. Ваҳоланки, ҳар бир босқич ўзига хос аҳамиятга, муддатга эга бўлиб, “суд мажлиси бошлангунга қадар” жумласидан кўра “суд маслаҳатхонага киргунга қадар” жумласини қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу прокурорга кенгроқ имконият яратади.

Шу сабабли, фикримизча, қонунлардаги ноаниқликни бартараф этиш мақсадида, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга прокурор протестни қайтариб олиш муддатини “суд маслаҳатхонага киргунга қадар” деб ўзгартириш таклиф этилади.

Шунингдек, Қонунлар ўртасида яна бир ҳолатда қарама-қаршиликлар кўринадик, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурор протестини “чақириб олиш” жумласи қўлланилса, ЖПКда эса, “қайтариб олиш” ишлатилган. Бу эса, атамаларни ноаниқлигига олиб келади. Мазкур атама икки хил йўналиш ишлатилиши қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ эмаслигини кўрсатади, у бир хил қўлланилиши лозим бўлади. Шу сабабли, фикримизча “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда “протестни чақириб олиш” деган жумлани “протестни қайтариб олиш” жумласига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир жумланинг ўз маъноси, тушунчаси бўладик, у унинг бутун бир ҳаракатини намоён этади. Хусусан, протестни қайтариб олиш тушунчасига деярли ўзбек олимлари томонидан тушунча берилмаган.

* 2020–2022 йилларда ўрганилган суд инстанцияларига келтирилган протестлар (амалиёт материаллар)

Фикримизча, *протестни қайтариб олиш* – прокурорнинг жиноят ишини суд инстанцияларида кўриб чиқмаслик ва протестни уни киритган прокуратура мансабдор шахсига қайтариш ҳақидаги расмий илтимоснома тарздаги мурожаати ҳисобланади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, протестни қайтариб олиш ҳақидаги ҳулосага қуйидаги омиллар сабаб бўлади: – протестдаги важлар асослантирилмасдан, суд тергови жараёнидаги маълумотларни ҳисобга олмасдан, фақат дастлабки тергов ҳужжатларига таянилганлиги; – протест важлар жиноят-процессуал ёки жиноят қонунчилиги талабларига мос келмаслиги; – у ёки бу масала бўйича ягона суд амалиёти мавжуд эмаслиги*.

Амалиётда бундай қайтариб олиш ҳақидаги прокурор мурожаати суд мажлиси бошлангунга қадар келиб тушган бўлса, мазкур протест тааллуқли прокурорга қайтариш, протест чақириб олиш суд инстанциясида суд мажлиси бошланган сўнг келиб тушган бўлса, (иш бўйича бошқа тарафларнинг шикояти бўлмаса) мазкур мурожаатнинг кейинги тақдири жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланмаган. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорлари* билан тартибга солинган.

Россия Федерация ЖПКда эса, бу масала батафсил ёритилган бўлиб, бироқ уларда протестни фақатгина уни берган шахс қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатилган. Бу борада россиялик олимлар ўртасида мунозаралар мавжуд бўлиб, аксарият олимлар протестни қайтариб олиш ваколатини юқори турувчи прокурорга ҳам бериш лозимлигини қувватлайди. Қайд этилган ҳолат бизнинг миллий қонунчиликдаги мавжуд қонидани ижобий эканлигини намоён этади. Бироқ, РФ ЖПКда белгилангани каби протестни қайтариб олиш механизмини амалдаги ЖПКда тўлиқ белгиланиши лозимлиги қонунчилигимиздаги салбий жиҳат деб баҳоланишига сабаб бўлади.

Аксарият ҳолларда протестни киритган прокурор юқори турувчи прокурорнинг тавсиясига (кўрсатмаси) асосан қайтариб олади.

Статистик маълумотларга кўра, протестни қайтариб олиш сони камайиб бормоқда ва бу ижобий кўрсаткич ҳисобланади. суд маслаҳатхонага киргунга қадар 2021 йилда 6 та, 2022 йилда 5 та, 2023 йилнинг 6 ойида 3 та протестлар чақириб олинган*.

Ўзб.Рес Олий суд Пленум қарорларида протест чақириб олиш тўғрисидаги мурожаат келиб тушгандан сўнг суднинг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари, апелляция тартибида иш юритиш тугатиш лозимлиги ҳақидаги ҳамда протест, шунингдек уни чақириб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдириш ёки қайтариб бериш масалаларини қисман белгиланган бўлса-да, ЖПКда процессуал механизми мавжуд эмас.

* Бош прокуратура томонидан олинган 2020–2023 йилда жиноят ишларини кўриш юзасидан олинган ҳисоботлар.

* Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.04.2021 йилдаги 13-сонли “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.11.2021 йилдаги 37-сонли “Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 11-банди.

* Бош прокуратура томонидан тақдим этилган протест келтириш амалиёти статистик маълумотлар 2022–2023 йилнинг 6 ойида.

Фикримизча, протест чақириб олиш тўғрисидаги мурожаат келиб тушгандан сўнг суднинг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари, апелляция тартибида иш юритиш тугатиш лозимлиги ҳақидаги ҳамда протест, шунингдек уни чақириб олиш тўғрисидаги ҳужжат ишда қолдириш ёки қайтариб бериш масалаларини ЖПКда белгилаш лозим. Бу эса, иш юритиш механизмини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ПТҚнинг 36-моддасига асосан, прокурор ёки юқори турувчи прокурор протестни ўзгартириш ёки тўлдириш ваколатидан апелляция, кассация инстанцияси судда кўриш бошлангунга қадар фойдаланиши мумкин.

ЖПКнинг 479⁹ ва 504-моддасида эса, протестни берган шахс суд мажлиси бошлангунга қадар уни ўзгартиришга ёки янги важлар билан тўлдиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ушбу иккита қонунда икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, прокуратура тўғрисидаги қонунчилик юқори турувчи прокурор протестга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ваколатли эканлигини қайд этса, жиноят-процессуал кодекси бунга йўл қўймайди.

Бу борада тадқиқот олиб борган олимлар М.В. Бызова, Н.В. Буланова ҳамда М.З. Раджапова протестга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатини юқори турувчи прокурорга ҳам бериш лозимлигини таъкидлайдилар.

Бизнинг фикримизча, юқори турувчи прокурорда протестни ўзгартириш ёки тўлдириш ваколати берилиши мақсадга мувофиқ бўлмай, протест келтирган прокурор мазкур ваколатга эга бўлишга ҳақли. Чунки, айнан у протестда келтирилган важларни ва асосларни моҳиятини билади. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда унинг механизми мавжуд эмас. Шу сабабли, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда қайд этилган нормада назарда тутилган юқори турувчи прокурорга берилган ушбу ваколатни чиқариш мақсадга мувофиқдир.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда протест келтириш, прокурорнинг ваколат доирасидан четга чиқиб кетадиган ҳолларда у протест келтириш тўғрисидаги тақдимнома билан юқори турувчи прокурорга мурожаат этиши белгиланган (35-модда). Худди шу каби қоида Бош прокурорнинг соҳавий буйруғининг 16.2-бандида назарда тутилган.

Демак, қонун мазмуни суд ишларини юритишдаги *процессуал тақдимнома* – прокурор протест келтириш ваколат доирасига кирмаган ҳолларда юқори турувчи прокурорга протест келтириш тўғрисида мурожаатидир.

ЖПК ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида “тақдимнома” сўзи ишлатилади, бироқ протест келтириш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлган субъектлар доираси, уларнинг ваколатлари, муддатлари ҳамда иш юритиш механизми назарда тутилмаган. Фикримизча, мазкур жараён ҳам процессуал иш юритиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ЖПКда ҳамда соҳавий буйруқда белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокурор назоратини ташкил этишнинг айрим масалалари” 06.09.2018 йилдаги 113-сонли буйруғида* протест келтириш ҳақидаги тақдимнома кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби белгиланган.

* Қозоғистон Республикаси Бош прокурорининг “Прокурор назоратини ташкил этишнинг айрим масалалари” 06.09.2018 йилдаги 113-сонли буйруғи илова “Судда давлат манфаатларини ҳимоя қилишни ташкил этиш ва жиноят ишларида кучга кирган суд ҳужжатларининг қонунийлигини назорат қилиш тўғрисида” Йўриқноманинг 4-боб, 51–55 бандлари.

Шу билан бирга, прокурорнинг протест келтириш тўғрисидаги тақдимномасига қўйилган талаблар ҳақидаги фикр билдирмоқчимиз. Чунки, бу талаблар тақдимнома шакллантиришга хизмат қилади. Амалдаги ЖПКда кассация тартибида протест келтириш сўралган тақдимнома мазмунига қўйилган талаблар мавжуд эмас, бироқ амалиёт муайян талаблар шакллантирган бўлиб, республика миқёсида турлича ёндашилади.

Фикримизча, протест келтириш тўғрисидаги тақдимномада қуйидагилар бўлиши лозим: – тақдимнома йўлланаётган прокурорнинг лавозими, унвони, исм-шарифи; – ҳукм (ажрим) чиқарган суднинг номи, чиқарилган сана, ҳукм (ажрим) кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар; – кассация тартибида протест келтириш важлари, тақдимнома киритувчининг фикрига кўра ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти; – прокурор ўз талабларини асослаётган ва суди томонидан текширилиши лозим бўлган далиллар, шу жумладан, илгари судда текширилмаган далиллар; – тақдимномага илова қилинаётган материаллар рўйхати; – тақдимнома берилган сана ҳамда тақдимнома берувчи прокурорнинг имзоси.

Фикримизча, протест келтириш ҳақидаги тақдимномани юбориш, кўриб чиқиш муддатлари, механизми амалдаги Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида ўз ифодасини топиши лозим. Чунки, мазкур талабларни киритилиши соҳавий иш юритиш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Суд муҳокамасида прокурорга юклатилган вазифаларни самарали бажарилишида юқорида қайд этилган процессуал ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эгами деган саволга прокуратура ходимларининг 64,55 фоизи ва бошқа ходимларнинг 88 фоизи процессуал ҳужжатлар прокурорнинг позициясини белгилаб бериши, шу сабабли улар қонун талабларига мувофиқ ҳар жиҳатдан асослантирилган бўлиши шартлигини тасдиқлашган*.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, прокурорлар томонидан тузилаётган ҳар бир процессуал ҳужжат қонуний ва асослантирилган бўлиши лозим. Бу эса, прокурор фаолиятининг самарадорлигига таъсир этади. Прокурор суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига суд билан тенг баробар масъул ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан прокурор томонидан қўлланиладиган процессуал ҳужжатлар қонун талаблари мувофиқ, асослантирилган ҳамда адолат тамойилларига асосланган бўлиши шарт. Бу эса, шахс ва фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Прокурор қонуний, асослантирилган ва тезкорликда илтимоснома, эътироз ёки фикр билдириш учун соҳавий йўналиш ходимларига суд муҳокамасида фойдаланишга планшет берилиши лозим. Мазкур планшет норматив-ҳуқуқий асослар, назорат ишини электрон нусхаси шу каби иш билан боғлиқ масалалар юкланиши лозим. Бу ишни енгиллаштиришга ва сифатли прокурор иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

* Прокуратура ходимлар ўртасида *sedo* ҳужжат айланмаси орқали 06.10.2023 йил ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, суд ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари. 09.10.2023 йил.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://be5.biz/pravo/u004/10.html>
2. Терёхин А.А. Акты прокурорского реагирования в российском уголовном судопроизводстве. Автореф. диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Омск. 2013.
3. Hilgert J. A. Building a human rights framework for workers' compensation in the United States: Opening the debate on first principles // American journal of industrial medicine. 2012. Vol. 55, Issue 6. Special Issue: Rethinking Workers' Compensation: The Human Rights Perspective. Pp. 506-518. <https://doi.org/10.1002/ajim.22023>. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1002/ajim.22023> – fn1.
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.05.2023 г.).
5. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики (в редакции закона кр от 18 января 2022 года № 4, 15 февраля 2023 года п 28).
6. Стецовский Ю. И. Уголовно-процессуальная деятельность защитника. Москва : Юридическая литература, 1982. С. 50.
7. Гриненко А.В. Псевдомотивированный отказ в удовлетворении ходатайств на предварительном следствии // Уголовное право. 2000. № 4. С. 44.
8. Алиев Т.Т., Громов Н. А., Макаров Л. В. Уголовно-процессуальное доказывание: Участие обвиняемого и защитника. Собираение, проверка и оценка доказательств. Ходатайства и жалобы. Москва: Книга-сервис, 2002. С. 102.
9. Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. – М.: Наука, 1975. – С 302.
10. Б.Х.Пўлатов Ўша жойда. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 103 Б.
11. Б.Х. Пўлатов Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 126 Б.
12. Б.Х.Пўлатов Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 125 Б.
13. Исаенко В.Н. Анализ доказательств прокурором в судебных прениях// Актуальные проблемы российского права. 2018. № 9 (94). –С 221.
14. Иванкина Н.Н. Основы судебного красноречия(Риторика для юристов). Учебное пособие. М., 2001, С. 169.
15. Кожекников И.Н. Прокурор ваколатлари// Россия юстицияси, 2012. -№12. – 12 Б.
16. Пулатов Б.Х. Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах: Дисс. ... д-ра юрид. Наук. –Т., 2002. –С.60.
17. Лазарева В.А. Участие прокурора в уголовном процессе: учебник и практикум для бакалаврита и магистратуры/ Научно-практическое пособие/ -М.: Издательство Юрайт, 2017. – С 152-153.
18. Л.Қаландаров., Д.Довудова. Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш юзасидан. /Услубий қўлланма/. –Т. “Rustam print” ХК нашриёти. 2019 й, 72-73 Б.
19. Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т. 2004. – 191 Б.
20. Буланова Н.В. Указ. соч. –Москва: Проспект, 2018. – С 114-115.

21. Тухташева У.А. Уголовно-процессуальный пути устранения судебных ошибок. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. 2020. ТГЮУ. С.-190. 26; 71.

22. М.З.Раджапова Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. / юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент.: 2023. 63-67 Б.

23. <https://advokatnews.uz/xabar/1848.html>

24. О.М.Мадалиев Жиноят ишларини биринчи инстанция судларида кўрилишида прокурор иштироки. Монография. Т. ТДЮИ. 2005. 123 Б.

25. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. 2000. Ғ.Абдураҳимов. // Электрон манба: <https://uz.wikipedia.org/wiki>

26. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А.Абдураҳимов. ю.ф.н., доц. У.Тўхташева (4971-49718-моддалар) –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -788 бет.

27. Бызова М.В. Представление прокурора: автореф.дис. кан. Юрид. Наук. Екатеринбург, 2009. С.19.

28. Чекмачева Н.В. Прокурор кассационном производстве по уголовным делам и проблемы обеспечения законности и обоснованности приговоров: автореф. дис. Канд. юрид.наук. М., 2009. С. 12

29. М.З.Раджапова Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. / юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент.: 2023. 145 Б.

30. ЖПКнинг 480-моддасига қаранг.

31. Қаранг: Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси 389-8-моддаси 3-қисми https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

32. Буланова Н.В. Участие прокурор в рассмотрении уголовных дел судами: монография/ Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – Москва: Проспект, 2018. – С 120. Бызова М.В. Представление прокурора: автореф.дис. кан. Юрид. Наук. Екатеринбург, 2009. С.21.

33. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.04.2021 йил 13-сонли “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 9-банди <https://lex.uz/docs>, 27.11.2021 йил 37-сонли “Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 11-банди <https://nrm.uz/>